

искоренения имеющихся системных проблем в данной сфере: – отменены индивидуальные таможенные, налоговые и иные льготы, а также другие преференции, предоставленные отдельным хозяйствующим субъектам по импорту в Республику Узбекистан продовольственных товаров; – разработан комплекс мер на 2018 год по поиску и привлечению поставщиков продовольственной продукции, созданию для них равных условий вхождения на рынок, оказанию им содействия в заключении договоров, транспортировке и хранении ввезенной продукции, а также иных мер, направленных на полное удовлетворение спроса населения на качественные, доступные продовольственные товары; – созданы во всех регионах республики на условиях государственно– частного партнерства специализированных складских помещений, хранилищ, холодильных камер, современного высокотехнологичного, энергоэффективного оборудования по переработке и фасовке продовольственных товаров.

Исходя из вышесказанного, можно выразить, при благоприятном условии развития событий и учитывая тот факт, что правительство Республики Узбекистан стало принимать меры по поддержке экономики, бизнеса и предпринимательства, нуждающихся в помощи, можно доверить восстановления экономики с нынешнего года. Имея негативные факторы, воздействующие на рост финансовой нагрузки на бюджет из– за расходов на поддержку экономики, сферы здравоохранения, социальной сферы и недополученных средств, выпадающих в связи с временными отсрочками по выплатам кредитов и прочих платежей, временным обнулением ставок таможенных пошлин и акцизов; проблемы с лишением работы и заработка из– за ограничительных мер карантина, вынужденное сокращение персонала в послекарантинный период и другие побочные эффекты могут стать большим препятствием на пути вхождения экономики и всех сфер жизни в нормальное русло. Как бы там ни было, решительные действия правительства – необходимый сигнал бизнесу и рынку в целом в период неопределенности и финансово– экономических трудностей.

#### **Список литературы:**

1. Указ Президента Республики Узбекистан от 16.01.2018г. №— 5303 «О мерах по дальнейшему обеспечению продовольственной безопасности страны».
2. Постановление Президента Республики Узбекистан от 01.05.2020 г. N ПП– 4700 "О дополнительных мерах по обеспечению продовольственной безопасности, рациональному использованию имеющихся ресурсов и государственной поддержке сельского хозяйства в период коронавирусной пандемии".
3. [Электронный ресурс]. stat.uz – официальный сайт Государственного комитета РУз по статистике. Режим доступа: [https://stat.uz/uploads/docs/qishloq\\_xo'jaligi\\_dekabr\\_uz.pdf/](https://stat.uz/uploads/docs/qishloq_xo'jaligi_dekabr_uz.pdf/).

**И.Ф.Н., доц. А. Исмаилов,  
Иқтисодиёт факультети МЕКР– 01 гурӯҳи  
магистранти М.Б.Чориев, ТДИУ**

## **ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ТОМОНИДАН КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ КРЕДИТЛАШ АМАЛИЁТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ**

**Аннотация:** Мазур макола бугунги кундаги олиб борилаётган Ўзбекистондаги пул– кредит сиёсати сиёсати ва уни ривожлантиришининг устувор йўналишилари,

*тижорат банклари фаолияти ва улар томонидан кичик бизнес субъектлари фаолиятини кредитлаши тизими ёритилган.*

**Калит сўзлар:** Пул– кредит сиёсати сиёсати, банк ва банк тизими, кичик бизнес субъектлари, кредитлаши.

Иқтисодиёт таркибида туб ўзгаришларни амалга оширишда иқтисодий мустақилликка эришиш, хомашё ишлаб чиқаришдан тайёр маҳсулотларга ўтиш, мамлакат экспорт салоҳиятини ошириш, меҳнат ресурсларининг оқилона бандлигини таъминлаш, тармоқлараро ва худудий номутаносибликларга барҳам бериш муаммоларини ҳал этиш кўп жиҳатдан мамлакатдаги пул– кредит ва инвестицион сиёсати билан боғлиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2022 йил 20 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида мамлакатимизда инвестиция сиёсатини жадал амалга ошириш бўйича қуидаги фикрларни билдириб ўтди.

**Олтинчи йўналиши.** Иқтисодиётга маҳаллий ва хорижий хусусий инвестицияларни кўпайтириш учун шароитларни янада яхшилаймиз.”[1]

Республикамиз тижорат банкларининг кичик бизнес субъектларини кредитлаш жараёнида юзага келадиган кредит риски даражасини камайтириш мақсадида тижорат банклари томонидан иқтисодиётнинг устувор тармоқларида фаолият кўрсатаётган кичик бизнес субъектларига берилаётган имтиёзли кредитларнинг фоиз ставкаси билан кредитларнинг бозор ставкаси ўртасидаги фарқ Давлат бюджетининг маблағлари ҳисобидан субсидиялаштирилиши лозим.

Бунинг натижасида:

- биринчидан, тижорат банкларининг кичик бизнес субъектларини микрокредитлаш билан боғлиқ бўлган кредит рискининг даражаси камаяди;

- иккинчидан, кичик бизнес субъектларининг берилган микрокредитларни қайтариш имконияти ошади, чунки фоиз ставкаси микрокредитнинг баҳоси ҳисобланади. Фоиз ставкасининг пастлиги кичик бизнес субъектларининг кредитлар бўйича фоиз тўловлари юкини енгиллатиш имконини беради. Бундан ташқари, кредит риски даражасининг пасайиши тижорат банкининг кредитлардан кўриладиган заарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмалари миқдорининг камайишига олиб келади. Бунинг натижасида тижорат банкининг соф фойдаси миқдори ошади, активлар сифати яхшиланади, микрокредит операцияларининг даромадлилик даражаси ошади.

Қишлоқ жойларда ташкил этилаётган кичик корхонларни бозорда ўз ўрнини топиб кетиши фақатгина тижорат банклари томонидан кўрсатилаётган микромолиявий хизматларнинг сони ва сифатига боғлиқ эмаслигини таъкидлашимиз жоиз. Бу кўп омилли жараён ҳисобланади. Масалан, қишлоқ жойларда электр энергияси таъминотининг тез– тез узилиб туриш ҳолати мавжуд. Бу эса, у жойларда ташкил этилган кичик корхоналарнинг ишлаб чиқариш фаолиятига жиддий салбий таъсир кўрсатади. Демак, электр энергияси таъминоти учун маъсул бўлган идоралардан ушбу муаммони ҳа этиш талаб этилади. Шунингдек, аҳолидан қишлоқ хўжалик маҳсулотини сотиб олиш учун нақд пул таъминоти масаласи ҳам ҳал қилиниши зарур. Чунки қишлоқ аҳолиси маҳсулотларини нақд пулга сотади. Айниқса, аҳоли катта миқдорда гўшт ва сут маҳсулотларини сотади. Ана шундай муҳим инфратузилма омилларидан бири йўллар ҳисобланади. Йўлларнинг равон бўлиши маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажмига билвосита таъсир

кўрсатади.

Қишлоқ жойларда кичик корхоналарни ташкил этиш ва уларнинг нормал фаолияти учун зарур бўлган иқтисодий шарт— шароитларни яратиш мазкур корхоналарнинг ишлаб чиқариш ва молиявий фаолиятини барқарорлаштириш имконини беради. Бу эса, ўз навбатида, ушбу корхоналарга берилган микрокредитлар ва микролизинг кредитларини ўз вақтида ва тўлиқ қайтариш имкониятини яратади.

Микромолиялаш ташкилотлари томонидан мижозларни умумий жавобгарлик асосида микркредитлашни кучайтириш лозим.

Умумий жавобгарлик юзасидан мажбуриятлар бажарилмаган ҳолатда гуруҳнинг барча аъзолари учун молиявий хизматлар кўрсатиш тўхтатиб қўйилади. Амалиёт шуни кўрсатадики, микромолиялаш хизматларидан мунтазам фойдаланишдан маҳрум қилиш хавфи мажбуриятларни ўз вақтида бажаришга ундовчи энг кучли омилдир.

Тижорат банкларига кичик бизнес субъектлари томонидан реализация қилинган товарлар ҳужжатларини ҳам регресс ҳукуқи билан, ҳам регресс ҳукуқисиз сотиб олиш имконини бериш лозим.

Агарда тижорат банкларига, худди ҳозирги талаб бўйича, товар ҳужжатларини регресс ҳукуқи билан сотиб олишга рухсат берилмаса, у ҳолда, банкларнинг факторинг кредитлари улар учун юқори рискли актив бўлиб қолади ва ушбу ҳолат тижорат банкларининг кичик бизнес субъектларини факторинг асосида кредитлашга бўлган қизиқишини чиқариши мумкин.

Тижорат банклари микрокредитлаш ташкилотлари билан ҳамкорликда кичик бизнес субъектларини кредитлашни йўлга қўйишилари лозим. Бунда банклар микрокредит ташкилотларига улгуржи равишда молиявий ресурс сотади, улар эса чакана ҳолда кредит беради. Чунки микрокредит ташкилотларининг кичик бинес субъектларини кредитлаш бўйича турли моделлари мавжуд. Шунингдек, уларни республикамизнинг чекка худудларида ҳам ташкил этиш осондир.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулоти таркибида кичик бизнес субъектлари томонидан яратилган маҳсулотлар ва кўрсатилаётган хизматлар ҳажми доимий равишда ортиб бормоқда. Бу ижобий ҳолат ҳисобланади, бироқ келгусида бунинг ҳажмини ошириш учун кичик бизнес субъектларини молиявий маблағлар билан таъминлаш зарур бўлади.

Юқорида қайд этилганларга асосланиб айтиш мумкинки, мамлакатимиздаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари молиявий барқарорлигини таъминлашда тижорат банклари кредитларини

аҳамиятига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Бунинг учун қуйидаги чора—тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

—кичик бизнесни субъектларини кредитлашда тижорат банклари кредитлари таъминоти сифатида олинадиган гаров соҳасидаги муаммоларни ечимини топиш, яъни енгиллаштириш мақсадга мувофиқ;

—кичик бизнес субъектлари тўловга лаёқатлилигини баҳолаш ва қисқа мудатларга кредит бериш борасида халқаро банк амалиётида ижобий жиҳатларга эга бўлган тажрибаларидан кенгроқ фойдаланиш лозим. Хусусан, овердарфат, контокоррент кредитлари шулар жумласидандир;

—республикамиз йирик тижорат банклари кредит портфели таркибида кичик бизнес субъектлари фаолиятига йўналтириладиган кредитлар ҳажмини рағбатлантириш йўллари орқали оширишга эришиши лозим.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, мамлакатимизда тижорат банклари кредитлари

орқали кичик бизнес субъектлари фаолиятини ривожлантиришнинг имкониятлари жуда кенг бўлиб, улардан самарали фойдаланишга эришиш миллий иқтисодиётнинг ривожи ва аҳолининг турмуш даражасини яхшиланишига ижобий таъсир кўрсатади.

Шу билан бир қаторда таҳлил натижаларига асосланиб айтиш мумкинки, мамлакатимиздаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари молиявий барқарорлигини таъминлашда тижорат банклари томонидан молиялаштириш учун қўйидаги чора— тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

—кичик бизнесни субъекларини кредитлашда тижорат банкларининг капиталлашув даражасини ошириш бўйича аниқ белгиланган чора— тадбирлар белгилаб, улар бўйича ишларни амалга ошириб бориш лозим;

—акциядорлик— тижорат банклари томонидан банк устав капиталини ошириш мақсадида қўшимча акциялар чиқариш ва ушбу акцияларни фон бозири орқали жойлаштириш;

—банкларда барқарор ресурс базасини шакллантириш ва уни янада кенгайтириш, аҳолининг бўш пул маблағларини банк омонатларига жалб

қилишни янада рағбатлантириш ва кафолатлашга доир қарорлар қабул қилиш лозим;

—аҳолига таклиф этилаётган ва унинг турли қатламлари учун қулай ва манфаатли бўлган омонат турларининг сонини кўпайтириш янги ютуқли жозибадор омонат турларин кўпайтириш;

—банкларда барқарор ресурс базасини шакллантириш ва уни янада кенгайтириш мақсадида тижорат банклари томонидан муомалага депозит сертификатлар хамда узок муддатли облигацияларни чиқариш;

—республикамиз йирик тижорат банклари кредит портфели таркибида кичик бизнес субъектлари фаолиятига йўналтириладиган кредитлар ҳажмини рағбатлантириш йўллари орқали оширишга эришиши лозим.

Мамлакатимизда тижорат банклари кичик бизнес субъектларини молиявий қўллаб куватлаш имкониятлари жуда кенг бўлиб, улардан самарали фойдаланишга эришиш миллий иқтисодиётнинг ривожи ва аҳолининг турмуш даражасини яхшиланишига ижобий таъсир кўрсатади.

### **Адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси.2022 йил 20 декабрь. <https://president.uz/uz/lists/view/5774>

2.2022– 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси. Узбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ– 60–сон Фармонига 1– илова. <https://drive.google.com/file/d/1rinOV-NXv4GkgzHcg191IV7iIxL5D1GK/view>